

Сони, сира

O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
HOKIMI
QARORI



РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
Самаркандской области
Республики Узбекистан

2015 у.г. « 13 » август № 175-К

Samarqand sh., - г. Самарканд

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 августдаги 232-сонли “Очиқ маълумотлар тақдим этилиши ҳисобга олинган ҳолда Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Хукумат портални янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 августдаги 232-сонли “Очиқ маълумотлар тақдим этилиши ҳисобга олинган ҳолда Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Хукумат портални янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 августдаги 232-сонли “Очиқ маълумотлар тақдим этилиши ҳисобга олинган ҳолда Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Хукумат портални янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт вазирлигининг жисмоний ва юридик шахсларга машинада ўқиладиган форматдаги ахборотдан кўп маротаба, эркин ва бепул фойдаланиш имконини берувчи Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Хукумат портали доирасида Очиқ маълумотлар портални ишга тушириш тўғрисидаги таклифларига розилик билдирилганлиги;

Ўзбекистон Республикасининг Очиқ маълумотлар портали тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

икки ҳафта муддатда Очиқ маълумотларни шакллантириш, уларни жойлаштириш ва уларни қайта ишлаш регламентини ишлаб чиқиши ҳамда тасдиқлаши;

бир ой муддатда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайларида ва Ўзбекистон Республикаси Очик маълумотлар порталида мажбурий эълон қилиниши лозим бўлган ушбу органларнинг Очик маълумотлар тўпламлари рўйхати (кейинги ўринларда Рўйхат деб аталади) белгиланган тартибда кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастури амалга оширилишини мувофиқлаштириш республика комиссиясига (кейинги ўринларда Республика комиссияси деб аталади) киритиши;

Рўйхат республика комиссияси томонидан тасдиқлангандан кейин икки кун муддатда у Интернет тармоғидаги Ўзбекистон Республикасининг Хукумат порталида эълон қилинишини таъминлаши маълумот учун қабул қилинсин.

3. Белгилансинки, вилоятдаги бошқармалар ва ташкилотлар раҳбарлари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Очик маълумотлар порталида жойлаштирилган ахборотнинг ўз вақтида тақдим этилиши ва ишончлилиги учун шахсан жавоб берадилар.

4. Самарқанд вилояти ҳокимлигида очик маълумотлар тўпламларини Ўзбекистон Республикаси Очик маълумотлар порталида эълон қилиниши масалалари бўйича масъул этиб вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати (М.Ибодуллаев) тайинлансин.

5. Вилоят ҳокимлиги хузуридаги “Компьютерлаштириш маркази” давлат унитар корхонаси (Б.Эгамкулов)га вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати (М.Ибодуллаев) билан биргаликда:

- 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастури амалга оширилишини мувофиқлаштириш Республика комиссияси томонидан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтларида ва Ўзбекистон Республикаси Очик маълумотлар порталида мажбурий эълон қилиниши лозим бўлган ушбу органларнинг Очик маълумотлар тўпламлари рўйхати тасдиқлангандан кейин бир ой муддатда Самарқанд вилояти ҳокимлигининг расм. веб-сайтида “Очик маълумотлар” бўлимини ташкил этиш ва унда Рўйхатга мувофиқ очик маълумотлар тўпламларини эълон қилиш;

- расмий веб-сайтта ва Ўзбекистон Республикаси Очик маълумотлар порталида эълон қилинадиган очик маълумотлар тўпламларини ўз вақтида янгилаб бориш топширилсин.

6. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари қотибиятлари мудирлари (Т.Мамадалиев, Ж.Болиев, А.Қиличев, И.Жабборов, С.Джумаева), ахборот-таҳлил гуруҳи (М.Восеев) вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайти “Очик

маълумотлар” бўлимига жойлаштириладиган маълумотларнинг ҳаққонийлигини ва ўз вақтида етказиб берилишини таъминласинлар.

7. Вилоятдаги бошқармалар ва ташкилотлар раҳбарлари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари:

икки ҳафта муддатда Очик маълумотлар тўпламлари Ўзбекистон Республикаси Очик маълумотлар порталида эълон қилиниши масалалари бўйича масъул мансабдор шахс тайинланишини;

Рўйхат республика комиссияси томонидан тасдиқлангандан кейин бир ой муддатда ўз расмий веб-сайтларида “Очик маълумотлар” бўлими ташкил этилишини ва унда Рўйхатга мувофиқ очик маълумотлар тўпламлари эълон қилинишини;

ўз расмий веб-сайтларида ва Ўзбекистон Республикаси Очик маълумотлар порталида эълон қилинадиган очик маълумотлар ўз вақтида янгилинишини таъминласинлар.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Х.Худжаёров зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



3.Мирзаев